

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2026-yil 23-aprel, payshanba

17 (9389)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi



ТАЪЛИМДА МАТЕМАТИКА ВА ИНФОРМАТИКА ФАНЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ РОЛИ ҚАНДАЙ?

Қилинаётган тадқиқотлар ва амалиёт шуни кўрсатадики, таълимдаги фанларро алоқадорлик бугунги кунда фан ва жамият ҳаётида рўй бераётган интеграция жараёнларининг конкрет ифодасидир.

Бизнингча, бу боғлиқлар ўқувчиларнинг дарсларга амалий ва назарий тайёргарлигини такомиллаштиришда муҳим рол ўйнайди ва бунинг муҳим хусусияти уларнинг билиш фаолиятининг умумлаштирилган характерини эгаллаши ҳамда умумий ва касбий компетенцияларни шакллантиришидир. Умумлаштириш билим ва кўникмаларни муайян вазиятларда, муайян масалаларни кўриб чиқишда ҳам ўқув, ҳам амалий фаолиятида қўллаш имконини беради. Фанларро боғлиқлар ёрдамида нафақат ўқувчиларни ўқитиш, камол топтириш ва тарбиялаш вазифалари сифат жиҳатидан янги босқичда ҳал қилинибгина қолмай, балки реал ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳар томонлама кўриш, ёндашиш ва ечиш учун ҳам пойдевор яратилади.

Академик А.Н. Колмогоров математикани билмасдан туриб, замонавий технология асосларини ҳам, олимларнинг табиат ва ижтимоий ҳодисаларни қандай ўрганишини ҳам тушуниб бўлмади деган эди. Информатиканинг математика билан боғлиқлигига келсак, математика ва информатика бутунлай бошқа-бошқа фанлар бўлсада, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Математика мустақил фан бўлиб, у асрлар давомида шаклланган. Информатика сифат жиҳатидан янги фани ифодаламайди, фақат бошқа фанларнинг элементларини умумлаштиради. (Давоми 3-саҳифада)

КОРРУПЦИЯ – ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИГА ЖИДДИЙ ТАҲДИД

Президентимиз ўтган йилнинг 26 декабрида Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатида коррупциянинг жамият тараққиётига салбий таъсирига баҳо берар экан, “Коррупция – давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид. Коррупцияга йўл қўйиш эса – ислохотларимизга хиёнатдир.

Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қиламиз”, дея жуда жиддий сиёсий вазифани давлат бошқаруви тизими раҳбарлари, фаоллар, бутун жамият олдида қўйди. Давлат раҳбарининг бундай қатъий сиёсий талаби юрагида ватанига, туғилиб ўсган она тупроғига, халқига муҳаббати бўлган ҳар қандай фуқарони, давлат бошқарувида хизмат қилаётган ҳар бир масъул ходимни ич-ичидан жунбушга келтириши, ўз ҳаёт йўлини, хизмат вазифасига муносабатини янги замоннинг янги талаблари даражасида қайта қуриб олишга даъват этади. Президентимизнинг бу даъватларидан биз мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоғи раҳбар-ҳодимлари ҳам ўзимизга

тегишли хулосаларни чиқариб, соҳада юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай таъмагирлик, порахўрлик, манфаат-параслик ҳолатларининг олдини олиш бўйича йўл харитамизни белгилаб олдик.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги республикамиз иқтисодиёти тармоқлари орасида салмоқли ўринни эгаллайди. Давлат раҳбари томонидан ҳар бир гектар ердан олинadиган даромадни устун даражада ошириш, илм-фан ютуқларини, инновацияларни ишлаб чиқаришга самарали жорий қилиш, ички бозорни арзон ва сифатли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, шу билан бирга соҳанинг экспорт имкониятларини ошириш ана шу раҳбар ходимларнинг ҳалол



Иброҳим АБДУРАҲМОҲОВ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири.

ва фидокорона, омилкорона меҳнатига боғлиқ. Шу боис вазирилик тизимида Президентимиз ўртага ташлаган “Ҳалол меҳнат – хотиржам ҳаёт ва фаровон ҳаёт гарови!” деган шиорни барча бўғиндаги раҳбар-ҳодимлар онги-шуурига чуқур синдириш бўйича тизимли чораларини кўраямиз.

(Давоми 2-саҳифада)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Бекобод тумани Зафар шаҳарчасида янги хотира майдони, тарих музейи, замонавий объектлар қурилиши авж олинди. Бундай файзли маскан барпо этишга тажрибали хунармандларнинг жалб қилинганлиги қувончлидир. Гап шундаки, водийлик Ўзбекистон халқ устаси, “Эл юрт хурмати” ордени соҳиби Муҳаммадали Юнусов бошчилигидаги маҳоратли усталарнинг яратувчанлик меҳнатини кўриб дилингиз яйрайди. – Бундай миллий руҳдаги нақш устунли айвонларни Имом ал Бухорий, Ат-Термизий, Ҳазрати Имом мажмуазийратгоҳларида барпо этганмиз, – дейди юртимизнинг машҳур ёғоч ўймақори, халқ устаси Муҳаммадали Юнусов. – Зеро, янги қурилаётган истиқболли манзиллар бетақдор миллий ўзлигимиз тимсолидир.



Суратда: Ўзбекистон халқ устаси, Муҳаммадали Юнусов иш жараёнида.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

Қарор ва ижро

Agrobank

Яқинда “Агробанк” АТБ томонидан Президентимизнинг жорий йил 13 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида замонавий технологияларни жорий қилишга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда фермер ва деҳқонлар, аграр соҳа олимлари ва экспертлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, банк раҳбарияти ва масъул ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

“АГРОБАНК” ЭНДИЛИКДА НАФАҚАТ МОЛИЯВИЙ РЕСУРС АЖРАТАДИ, БАЛКИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СУБЪЕКТЛАРИГА КОМПЛЕКС ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ



Матбуот анжуманида таъкидланганидек, мазкур қарор қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш тизimini тубдан такомиллаштириш, янги хизмат турларини жорий қилиш, банк хизматларини илғор хорижий ёндашувлар асосида

ташкил этиш ҳамда замонавий рақамли маҳсулотлар ҳажмини кенгайтиришга қаратилган муҳим стратегик ҳужжат ҳисобланади. Қарорга мувофиқ, жорий йилда “Агробанк” олдида қатор аниқ ва улкан вазифалар қўйилди. Жумладан, ташқи ва

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ТРАНСМИЛЛИЙ МУАММОЛАР ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ОРҚАЛИ ҲАЛ ҚИЛИНАДИ, ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК ВА КЕСКИНЛИК БИЛАН ЭМАС

Шу йилнинг 20-21 апрель кунлари Самарқандда ўтказилган “Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмиллий наркотихдидларга қарши курашиш” мавзусидаги глобал форумда кўплаб халқаро ташкилотлар ҳамда 50 дан ортиқ давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, халқаро ва маҳаллий экспертлар иштирок этди.

Жумладан, Афғонистон ички ишлар вазирининг наркотихларга қарши курашиш бўйича ўринбосари Мунир Абдул Раҳмон ушбу мамлакатда кейинги йилларда гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида журналистларга интервью берди.

– Афғонистон Ислам Амирлиги гиёҳвандликнинг зарарли оқибатларини чуқур тушунган ҳолда, ўзининг диний, миллий ва инсоний мажбуриятлари доирасида гиёҳвандликка қарши қатъий курашмоқда, – деди Мунир Абдул Раҳмон. – Биз мамлакатимизда гиёҳванд моддаларни етиштириш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва савдоси ҳамда улар билан боғлиқ жиҳатларни фармон асосида тақиқланган деб эълон қилдик ва тегишли муассасалар ушбу ҳужжат ижросини таъминлашга мажбуриятини белгиланди. Фармон асосида биргина 2025 йилда гиёҳвандлик жиноятлари билан боғлиқ гумондорларни ҳибсга олиш, гиёҳванд ўсимликларни йўқ қилиш ва гиёҳвандларни ҳибсга олиш бўйича бутун мамлакат бўйлаб 41 минг 868 та махсус операция ўтказилди. Натижада гиёҳванд моддаларга қарам бўлганликда гумон қилинаётган 10 минг 813 нафар шахс ҳибсга олинди. Гиёҳванд моддалар, алкоғол ва психотроп воситалар тайёрловчи 450 та лаборатория йўқ қилинди. 2 миллион 12 минг 632 тонна турли хил гиёҳванд моддалар, жумладан, героин, морфин, опий, гашиш, метамфетамин, алкоғолли ичимликлар, ферментланган майиз, кеневир, кўкнори уруғлари, кимёвий моддалар, таблеткалар мусодара қилинди. Йил давомида 19 минг 51 гектар кўкнори ва гашиш плантациялари йўқ қилинди, мамлакат бўйлаб 28 минг 546 нафар гиёҳванд шахс ҳибсга олинди.

Биз гиёҳванд моддаларга қарши кураш сиёсатлаштириш ва эксплуатациядан узокроқ тугилиши кераклигини таъкидлаймиз. Бу инсоний ва глобал муаммо бўлиб, сиёсий қарашларга қурбон қилинмаслиги керак. Халқаро ҳамкорлик ўзаро ҳурмат, ишончли мустақамлаш, мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва жойлардаги воқеликни тушуниш тамойилларига асосланганда самарали бўлади. Мунир Абдул Раҳмон халқаро ҳамжамиятдан Афғонистоннинг саъй-ҳаракатлари ва ютуқларини адолатли баҳоланиши, босим ва изоляцияга эмас, балки ҳамкорлик ва амалий қўллаб-қувватлашга асосланган ёндашувлардан фойдаланишини кутишини қайд этди.

– Тажриба шуни кўрсатадики, трансмиллий муаммоларни фақат шериклик ва ҳамкорлик орқали ҳал қилиш мумкин, қарама-қаршилик ва кескинлик орқали эмас, – деди Афғонистон ички ишлар вазири ўринбосари. – Фурсатдан фойдаланиб, ушбу халқаро форум ташкилотчиларига ва Ўзбекистон ҳукуматига ўз миннатдорчилигини билдираман. Улар энг муҳим замон таҳдидлардан бири, яъни трансмиллий гиёҳвандлик ҳақида фикр алмашиш ва муҳокама қилиш учун кимматли имконият яратди. Бундай учрашувлар мамлакатлар ўртасидаги қарашларни бирлаштириш ва амалий ҳамкорликни мустақамлашга хизмат қилади.

Ҳолиб ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

ОФРИК

КРЕДИТГА ОЛИНГАН ОБРЎ

ЁХУД БЕНАФ ИҚТИСОДИЙ ТУТҚУНЛИККА ҚАЧОНГАЧА КЎЗ ЮАМИЗ?

Мамлакатимиз банк-молия муносабатларида ҳар куни ўртача беш мингдан ортиқ янги фаол кредит шартномалари қайд этилаётганини билармидингиз?

Ҳа-ҳа, бу шунчаки қуруқ статистика эмас, сизу бизнинг, яқинларимизнинг, қўйингчи, ҳамма-ҳамманинг уй-жой, даволаниш ва кундалик рўзгор эҳтиёжлари сабаб юзага келмоқда. Бироқ мазкур манзаранинг соясида яна бир хавотирли омил яширин: тўй ва маросимлар учун олинган қарзлар. Қўлда мавжуд бўлмаган маблағларнинг меҳмонлар кўнгли, сохта обрў ва «элдан кам бўлмастик» илинжи учун сарфланиши жамиятда иқтисодий номуаносибликни келтириб чиқараётгани ҳақида фақат мен ёзмадим, деб ишонаман. Аммо маросимлар яқунлангач, тантанали зал бўшлиғича, гуллар сўлиб, қарз юки энг узок муддатли “меҳмон” сифатида қолишгача давом этмоқда. Буюк миллатпарвар Бехбудийдан тортиб Қодирийгача шу муаммо, деб куюниб ўтишди, бироқ бу борадаги оғриқларимиз ҳамон азоб бермоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

ички манбалар ҳисобидан 25 триллион сўм миқдорда қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш, шу жумладан, хорижий молия институтларидан 600 миллион АҚШ доллари ва ички манбалардан 18 триллион сўм ресурсларни шакллантириш мақсад қилинди. Шунингдек, ҳар бир ҳудудда агрохизмат зоналарини ташкил этиш, 2026-2027 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида 10 та стартап лойиҳани амалга ошириш, “Сувчилар мактаби” орқали ҳар йили юз минг нафар фермерни қамраб олиш ҳамда “Фермерлар мактаби” онлайн платформаси орқали билимлар қамровини кенгайтириш асосий устувор вазифалар сифатида белгиланди. Жумладан, агрохизмат зоналарида қишлоқ хўжалиги агенти фаолияти йўлга қўйилиб, банк хизматлари билан бир қаторда агрономик маслаҳатлар, сув ва энергия тежовчи технологиялар, тупроқ таҳлили ҳамда кўчат етказиб бериш хизматлари тақдим этилади. Шу билан бирга, рақамли трансформация жараёнларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



“АГРОБАНК” ЭНДИЛИКДА НАФАҚАТ МОЛИЯВИЙ РЕСУРС АЖРАТАДИ, БАЛКИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СУБЪЕКТЛАРИГА КОМПЛЕКС ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, сунъий интеллект, масофавий мониторинг ва “big data” технологиялари асосида қишлоқ хўжалигида таҳлил ва бошқарувнинг замонавий механизми жорий этилмоқда. Бу борада Қишлоқ хўжалиги мониторинг марказини ташкил этиши, экин майдонларини аэрокосмик кузатиш, ҳосилдорлик прогнозини шакллантириш ҳамда кредитлардан мақсадли фойдаланишни мониторинг қилиш тизимлари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Жиззах вилоятида боғдорчилик, Сирдарё вилоятида эса, чорвачилик йўналишларида сунъий интеллектта асосланган пилот лойиҳалар амалга оширилди.

Стартап экотизимини ривожлантириш мақсадида “Агробанк” таъсисчилигида “Agro Ventures” жамияти ташкил этилган бўлиб, ушбу тузилма орқали инновацион ғояларни молиялаштириш, акселерация ва тижоратлаштириш жараёнларини



йўлга қўйиш, хорижий венчур компаниялар ва экспертлар билан ҳамкорлик қилиш режалаштирилган.

Халқаро ҳамкорлик доирасида Жаҳон банки билан қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, янги рақамли маҳсулотлар ва хизматларни жорий қилиш бўйича, Осие тараққиёт банки билан эса бизнесни ривожлантириш, кредит рискларини бошқариш ҳамда ESG тамойилларини амалиётга татбиқ этиш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилади. Шу билан бирга, таълим ва илмий ҳамкорликни кучайтириш мақсадида 2026-2029 йилларда нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари, стажировкалар ва грантлар йўлга қўйилди.

Тадбирда таъкидланганидек, маъмурият қарор ижроси натижасида қишлоқ хўжалигида молиявий хизматлар ва амалий сервислар ўртасида агрона тизим шаклланади, агрохизмат инфратузилмаси ривожланади, инновацион лойиҳалар қўллаб-қувватланади ҳамда рақамли технологиялар кенг жорий этилади. Лўнда қилиб айтганда, маъмурият ташаббуслар аграр соҳани янги босқичга олиб чиқиш, фермер ва тадбиркорлар учун қўлай ва самарали муҳит яратишга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

Эълонлар

Тошкент шаҳар Сирғали тумани Қўшқўрғон кўчаси 53-уй манзилида жойлашган “AGAT INVEST” ОК (СТІР: 300494232) га берилган мулккий ҳуқуқни тасдиқловчи 392-сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Мурожаатлар учун телефон рақами: +998 99 875-55-57.

“ABUZAR MEVEL” МЧЖ (СТІР: 301429745) (аввалги «ЕТИҚОД» МЧЖ) корхонаси мулккий ҳуқуқни тасдиқловчи 31-сонли 2012 йил 22 августда «ЕТИҚОД» МЧЖ корхонасига берилган Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланишини маълум қилади.

“AGROTA MINOT-BS” масъулияти чекланган жамияти муҳр-печати ва тамғаси йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

(Боши 1-саҳифада)

Аввало, вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари, тизим ташкилотлари ҳамда муассасаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор, халқаро стандартларга мувофиқ бошқарув тизими ва алоҳида штат бирликлари жорий этилди. Ушбу тизимнинг узилишларсиз ишлашини таъминлаш учун керакли барча чоралар кўриляпти.

Жумладан, коррупциявий ҳолатлар юз беришининг олдини олишга қаратилган замонавий техника ва технологиялар, халқаро тажрибалардан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, ноқонуний ҳолатларнинг олдини олишда меъёрий-ҳуқуқий имкониятларни таъминловчи бир қатор ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди, раҳбарлар ёки масъул ходимлар томонидан коррупциявий ҳолатларга йўл қўйилиши мумкин бўлган йўналишлар аниқлаб олинди ва айнан ана шу йўналишлар алоҳида назоратга олинди. Яъни шунга қараб коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вазирлик тизимида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, унинг олдини олишга доир тарғибот тадбирлари тизимли ўтказилиб, ходимларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Криминология таъқиқот институти масъуллари билан биргаликда ўқув семинарлари, тренинглари, брифинглари, давра суҳбатлари ва сўровлар мунтазам ташкил этиб борилмоқда. Айниқса, вазирлик фаолияти жамоатчилик томонидан кузатиб борилишини, шаффофлигини таъминлаш мақсадида, амалга оширилган барча ишлар вазирлик расмий веб-сайтига, ижтимоий тармоқлардаги каналларига мунтазам равишда жойлаштириб борилмоқда. Масалан, фермер хўжалиқлари субсидиялар ажратилиши, бўш иш ўринлари, мурожаатлар таҳлиллари, коррупцияга қарши курашиш ва ички аудит фаолияти, вазирлик мулклари рўйхатлари, мавсумий ва бошқа экинларнинг экилиш ҳолатлари, чет эллик ҳамкорлар ва инвесторлар билан учрашувлар, давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда чет эл хизмат сафарлари бўйича маълумотлар билан юқоридаги интернет тармоқлари орқали исталган пайтда исталган фуқаро танишиши мумкин. Шунингдек, вазирликнинг аксарият йўналишларида коррупциянинг олдини олиш, ҳалол меҳнат қилиш борасида Президентимиз томонидан кун тартибига қўйилган вазифалар барча бўғиндаги раҳбар-ҳодимларга такроран бўлсада атрофича тунтутирилмоқда. Жумладан,

Коррупция – ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИГА ЖИДДИЙ ТАҲДИД



Ўзбекистон республикаси Давлат хавфсизлик хизмати билан ҳамкорликда 2026 йил 19 март куни бўлиб ўтган кенгайтирилган ҳайъат йўғилишида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича масалалар жиддий муҳокама қилинди. Йўғилишда тизим ходимларига Мурожаат ҳам қабул қилиниб, унинг матни республика, ҳудуд, шаҳар, туманлардаги ташкилотларга етказилди. Мурожаатда коррупцияга елкадош бўлган яна бир иллатга – ёлғон маълумот беришдек ярамас иллатга барҳам бериш масаласига тизим раҳбар ва мутахассисларнинг эътибори қаратилди. Ёлғон маълумот бериш масъулиятдан қочишди, у коррупция ботқоғини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Тизимдаги ишларни белги-ланган вақтда тезкор ва тўғри ташкил қилиш учун, аввало, раҳбариятни жойларда бажарилган ишлар бўйича ҳаққоний маълумот билан таъминлаш самарали натижаларга эришишда бош омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис барча ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ҳамда

масъул ходимлардан юқори турувчи идораларга тўғри маълумот киритиш талаб қилинди.

Давлат хизматчилари томонидан ўз хизмат вазифаларини тўлиқ бажармаслик, ижро интизомига риоя қилмаслик, ҳар қандай мурожаатга ўз вақтида асосланган жавоб бермаслик ёки мурожаатчиларга аниқ ва тушунарли жавоб тақдим этмасдан, сансалорликка йўл қўйиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳисобини юритишда, ҳосил йўғим-терими жараёнида қўшиб ўзи ёки рақамларни нотўғри киритиш ҳам коррупциянинг аянчли турларидан эканлиги ўқтириди. Йўғилишда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунларининг мазмун-моҳияти вазирлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар ҳамда тизим ташкилотлари ходимлари ва раҳбарларига яна бир бор етказилди, келгусидаги вазифалар белгиб олинди.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш мақсадида фақат ташкилий-

Дикқат, эълон!

“ОЛТИН ҚАЛАМ”

XX МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг омалаштириш, Янги Ўзбекистон руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, миллий контентни бойитиш, юртимизда инсон кадрини улуғлаш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик муҳитини мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни рағбатлантириш мақсадида “Олтин қалам” XX Миллий мукофоти учун халқаро танловини эълон қилади.

Асосий мукофотлар:

1 та Бош миллий мукофот

Телевидение йўналиши бўйича:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

Радио йўналиши бўйича:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

Босма нашрлар йўналиши бўйича:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

Интернет нашрлари йўналиши бўйича:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар).

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун – 1 та биринчи ўрин, 4 та иккинчи ўрин (ТВ, радио, босма ва интернет нашрлари йўналишлари бўйича).

Шунингдек, 12 та рағбатлантирувчи номинация жорий этилади. Танловнинг рағбатлантирувчи номинациялари бўйича қўшимча эълон берилди.

Танлов ғолиб ва совриндорлари:

Танлов Бош миллий мукофоти соҳибига махсус диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва енгил автомобиль тантанали равишда топширилади.

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан;

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 175 баробари миқдорда пул мукофоти билан;

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 150 баробари миқдорда пул мукофоти билан;

Танловнинг рағбатлантирувчи номинациялари ғолиблари диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 100 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Танловда ҳар бир иштирокчининг 2025 йил 22 апрелдан 2026 йил 22 апрелгача босма ва интернет нашрларида эълон қилинган, радио ва телевидениеда эфирга узатилган 5 тадан 7 тагача материалини кўриб чиқилади.

Агар ижодий жамоа – газета тахририяти танловда қатнашадиган бўлса, газетанинг 5 тадан 7 тагача сони, теле ёки радиоканал жамоаси танловда иштирок этадиган бўлса, 5 тадан 7 тагача энг яхши кўрсатув ёки энг яхши эшиттиришнинг электрон варианты (ёхуд ҳавола) илова қилинади.

“2025 йилда чоп этилган публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун” рағбатлантирувчи номинацияси бўйича танловда қатнашиш истагида бўлганлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига китобидан бир дона тақдим этади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар ҳам илова қилинади:

– муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисидаги қисқача маълумот (объективка);

ҳуқуқий воситалар билангина эришиб бўлмаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотлари раҳбарларига ходимларга коррупцияга қарши курашиш бўйича профилактика ишларини кўргаз-мали тақдимот материаллар, буклетлар, флаерлар ва видеодарсликлар орқали ет-казиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўй-маслик учун нималарга эътибор қаратиш кераклиги, бундай ҳолат юзга келганда ёки гувоҳ бўлинганда қандай хатти-ҳара-катлар қилиш зарурлиги бўйича тизимли таъқиқот ишларини йўлга қўйиш, маиший коррупцияга қарши тадбирларга жиддий эътибор қаратиш топширилди.

Коррупция ҳолати маълум бир соҳанинг қайсидир бурчагида содир қилинса, унинг таъсири нафақат ўша соҳага, балки бошқа тармоқларга ҳам бевосита ўзининг салбий таъсирини ўтказида. У шундай касалликки, аста-секинлик билан соҳа танасининг турли ҳиссаларига кўчиб, уни емира боради. Шу боис, жамият кушанда-си бўлган ушбу иллатга қарши курашда нафақат вазирлик тизими давлат бошқаруви ташкилотлари раҳбар-ҳодимлари, балки кенг жамоатчилик, умуман, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаро ўзини масъул ҳис қилиши, коррупциянинг ўзи, оиласи, бўлажак авлод-лари тақдирини, ҳаёти учун нақадар хавфли таҳдид эканлигини чуқур англаб етиши борасида чоралар кўриломоқда.

Давлатимиз раҳбари талабларидан келиб чиқиб, биз коррупциянинг оқи-батлари билан курашишдан барвақт ол-дини олиш йўлини танлаганмиз. Негаки, давлат ва жамоат ташкилотлари, жон-қуяр фуқароларимиз бу иллатнинг олдини олишда ва унга қарши курашда ҳамжихат бўлишлари самарали натижаларга эри-шишнинг энг мақбул йўлидир. Шу ўринда жамоатчиликдан, ватандошларимиздан ва соҳа ходимларидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ходимларимизнинг қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлар-нинг гувоҳи бўлишса ёхуд уларнинг коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолат-ларига алоқадорлиги юзасидан маълумот-ларга эга бўлган ҳолларда, вазирлигимиз расмий веб-сайтида келтирилган алоқа каналлари орқали ўз мурожаатларини қолдиришлари мумкинлигини алоҳида қайд этиб ўтаман.

Йўланган мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилади ҳамда тасдиқланган коррупцион ҳолатлар бўйича кўшимча маълумотлар кўрилади. Жамоатчиликнинг ёрдами биз учун ҳар доим, ҳамisha муҳимдир. Бу иллатга қарши курашиш ҳар биримизнинг эл-юрт олдидаги фуқаровий бурчимиз эканлигини доим ёдда тутшимиз лозим.



– муаллифнинг паспорт ёки ID-карта нусхаси, теле-фон рақами.

Жамоавий иштирок этувчи ОАВнинг уйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси ва ташки-лот раҳбарининг паспорт ёки ID-карта нусхаси.

Танловга ижодий ишлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмағида мамлакатимиз-нинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари орқали, шунингдек, муаллифлардан тўғридан-тўғри электрон шаклда танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб жорий йил 22 майга қадар қабул қилинади.

Матбуот йўналиши бўйича ижодий ишлар газета ёки журналда эълон қилинган материалларнинг нусхаси (pdf форматда);

Интернет нашрлари бўйича материалларнинг ҳаво-ласи (линк, ссылка) кўрсатилган ҳолда; телевидение бўйича видеоматериаллар (3 дақиқадан 30 дақиқачага телеграм форматда (аннотацияси, қисқача мазмун баёни билан); радио йўналиши бўйича аудиоматериаллар (3 дақиқа-дан 30 дақиқачага, аннотацияси, қисқача мазмун баёни билан);

Рағбатлантирувчи номинация – фотожурналисти-ка бўйича ижодий ишлар (JPEG, TIFF ва PNG формат-да аннотацияси, қисқача мазмун баёни билан) Ўзбе-кистон Журналистлар уюшмасининг info@journalistlar.uz электрон манзилига ҳамда Telegram мессенжерда +99870-484-71-79 телефон рақамига очилган (OLTIN QALAM 2026) саҳифага юборилиши сўралади.

“Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро тан-ловнинг ғолиб ва совриндорлари 27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тадбирида тантанали ра-вишда тақдирланади.

Мурожаат учун телефонлар:
71 244-37-87, 71-244-64-62.

Иқтисодчиларнинг фикрича, бузунги кунда қарздорликнинг ортishiна нафақат эҳтиёж, балки кредитнинг ҳаддан ташқари жозибador ва "осон" қилиб қўрсатилиши ҳам сабаб бўлмоқда

ТАЪЛИМДА МАТЕМАТИКА ВА ИНФОРМАТИКА ФАНЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ РОЛИ ҚАНДАЙ?

(Боши 1-саҳифада)

Маълумки, информатика ва математика интеграцияси таълим технологияларини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, атрофимиздаги дунё ҳақидаги яхлит тушунчани шакллантиришга, бунда ўқувчилар турли фанлардан олинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда ўрганиш объектлари ҳақида чуқур, ҳар томонлама билим оладилар, иккинчидан, билиш объектга тизимли ёндашиш заруриятини ривожлантирувчи, объектив воқеликнинг мураккаб жараёни ва ходисаларини таҳлил қилиш ва таққослаш қобилиятини шакллантирадиган аналитик ва синтетик фаолиятни рағбатлантиришга, учинчидан, вақтни тежашга, бунда интеграциялашган синфлар турли фанлар бўйича материалларни такрорлаш имконини яратди, тўртинчидан, мантикий ва математик фикрлашни ривожлантиришга, бунда талабалар турли муаммоларни ҳал қилишда математик билимларни қўллаш ва олинган натижаларни баҳолашни ўрганадилар ва бешинчиси математика ва информатика бўйича қўшма лойиҳаларда иштирок этиб ижодий салоҳиятни намоён этишда масъулият, коллективизм, меҳнат-севарлик, қизиқувчанлик каби шахсий сифатларни ривожлантиришга имкон беради.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда тест дастурлари дарсларда тобора кўпроқ қўлланила бошланди, бу эса ўқитувчига тест учун мавзуларни танлаш, топшириқларнинг қийинлик даражасини аниқлаш, энг муҳими, иш натижаларини тезкор баҳолаш имконини беради. Аммо замонавий мактабнинг вазифаси нафақат ўқувчига маълум билимлар тўпламини етказиш ва ўқув материалнинг ўзлаштирилишини назорат қилиш, балки билиш жараёнининг бирлиги ва узлуксизлиги, дунёнинг яхлитлиги ҳақидаги гоёни шакллантиришдир. Табиий ва математика циклидаги фанларни информатика ва ахборот-коммуникацион технологиялар курси билан интеграция қилиш бу мақсадга



эришининг энг яхши йўли бўлиб хизмат қилади. Ушбу йўналишда устувор рол математика ва информатика интеграциясига берилади, чунки бу фанлар, бир томондан, генетик жиҳатдан яқин, иккинчи томондан, бир-бирининг аппаратидан фаол фойдаланади. Математика ва информатика ўртасидаги фанлараро алоқаларни асослашда шуни таъкидлаш керакки, бу фанлар ўртасидаги чуқур ички боғлиқлик тарихан ривожланган бўлиб, информатика амалий математиканиннг бир бўлими сифатида вужудга келган ва фақат аста-секин мустақил фан сифатида вужудга келган, аммо бу фанлар ўртасидаги икки томонлама алоқалар ҳали ҳам долзарблигича қолмоқда. Бундан ташқари, информатика ахборот-ҳисоблаш моделлари ҳамда уларни қуриш ва таҳлил қилиш усуллари билан шугулланади ва бу соҳадаги муваффақиятларга математик усуллар асосида маълум чиқилган алгоритмларсиз эришиш мумкин эмас эди.

Ушбу фанларнинг интеграцияси ҳақида гапирганимизда, биз нафақат аллақачон классикага айланган симуляторлардан, кўргазмали ва турли хил назорат дастурларидан фойдаланишни назарда тутаялмиз. Мактаб дастурлари шундайки, математика ва информатика курсларининг

предметини режалаштиришга баъзи тузатишлар киритилса, иккала фан бўйича параллел ва бир вақтнинг ўзида жуда катта доирадаги мавзуларни ўрганиш мумкин. Информатика дарсларида ўқувчилар шахсий компьютерда ишлаш, турли амалий дастурларни ўрганиш, интернетда турли маълумотларни излаш, дастурлашни, алгоритм яратишни ўрганадилар. Интеграциялашган дарсларни режалаштириш ва ўтказишда ўқувчилар эгаллаган барча малакаларни ҳисобга олиш мумкин. Бунда математиканиннг, масалан, диаграммалар, текисликдаги декарт координаталари, бир ўзгарувчи функциянинг ҳосиласи ва унинг қўлланилиши, элементар функцияларни ўрганиш ва уларнинг графикларини қуриш, эгри чизикли трапецияларнинг майдонларини ҳисоблаш, чизикли бўлмаган тенгламаларни сонли усуллар ёрдамида ечиш ва тўқ каби бўлимларни сифат жиҳатидан янгича ўрганиш ҳамда бу бўлимларнинг мазмунини аниқ ва визуал тушунтиришга имкон беради.

Ўқув жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш натижасида ўқувчиларнинг математикани чуқур ўрганишга қизиқиши сезиларли даражада ошади, дарсинг ахборот мазмунини кўтарилади. Муҳим ҳолат шундаки, график объектлар

билан ишлаш доимо ўқувчиларнинг қизиқишини уйғотади ва уларнинг билим фаоллигини рағбатлантиради. Бундай дарслар вақтни тежашга имкон беради, чунки улар кенг қўламли ўзгаришлар ва ҳисоб-китоблардан қочиш ва турли мавзулардаги материалларни такрорлаш имконини беради.

Интеграциялашган дарсларнинг мазмунини математиканиннг ички мантигини ва унинг информатика билан боғлиқлигини кўрсатиб, икки фаннинг маъқул бўлган бирлиги ҳамда ютуқлар ва муваффақиятларга олиб келадиган ички ва ташқи рағбатлантиришларини ролини аниқлашга ёрдам беради. Математика ва информатиканиннг интеграциялашган дарсларининг самарадорлигига математик масалаларни бевосита компьютер ёрдамида ечиш йўли билан ўзлаштирилиши, масалаларни танлаш эса ўқувчиларнинг билим ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши, математика ва информатика фанларини ўқитиш соҳасидаги интеграция шакли эса муаммоларни қидирув масалалари, ахборот технологиялари воситалари ва дастурлаш тили бўлиши шарт билан эришилади. Шундай қилиб, информатика ва ахборот технологияларининг бошқа умумтаълим фанлари ва хусусан, математика билан интеграциялашуви ҳақиқий заруратдир. Бунинг асосий сабаби шундаки, умумтаълим мактабида анъанавий равишда билим тўплашга асосий эътибор қаратилаётган бўлса, замонавий даврда ўз билимининг ҳаётий вазиетларда қўллаш оладиган битирувчининг тайёрглаш зарурдир. Ўқувчилар катта ҳажмдаги ахборотни идрок этишни ва қайта ишлаш олиши, исталган фан соҳасида улар ишлашнинг замонавий воситалари, усуллари ва технологияларини ўзлаштириши керак. Шу муносабат билан, ахборот технологиялари нафақат ўрганиш объекти, балки ўрганиш учун восита ва иш муҳитига айлиниб бормоқда ва информатика дарслари деярли барча мактаб фанларини "боғлаш" имконини берадиган универсал бўғиндур.

Т.ТУРҒУНОВ,

Тошкент давлат аграр

университети

"Олий математика" кафедраси

доценти.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ПАРКЕНТДА КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ

Маълумки, мамлакатимизда Республика китобхонлик ҳафталиги доирасида "Китобсевар миллат" шиори остида кенг қўламли китобхонлик тадбирлари давом этмоқда.

Навбатдаги тадбир Паркент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтди. Мутолаа маданиятини ошириш, ёшларда китобга бўлган муҳаббатни янада мустаҳкамлашга қаратилган маърифий урчушулар ташкил этилди. Тадбир давомида ўқувчилар шеърлар ўқиб берди, китоблар тақдимиоти ўтказилди ҳамда савол-жавоблар орқали фаол иштирокчилар рағбатлантирилди.

Тадбирда Республика миқёсидаги тегишли ташкилотлардан таклиф этилган бир қатор меҳмонлар иштирок этиб, ўз ҳаёт йўлларида илм-фан ва мутолааниннг ўрни, ўқиган асарларининг инсон камолотига таъсири ҳақида сўзлаб бердилар.

Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби Муножатон Нурматовнинг босиб ўтган умр йўли тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. У ўз нутқида китобнинг инсон ҳаётининг ўрни ҳақида тўхталиб, ёшларнинг мутолаага бўлган қизиқишини ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Шу билан бирга Паркент диёри етиштирган бир қатор ижодкорлар ҳам алоҳида тилга олинди. Яқинда "Ўзбекистон халқ ёзувчиси" унвонига сазовор бўлган Хайридин Султонов, "Қор қўйнидаги доғлар" асари муаллифи, истаъдодли шоира Шарифа Салимова, таниқли шоирлар Маҳмуд Тоиров ҳамда



Дилфуза Шомаликова каби ижодкорлар айнан шу юртдан илҳом олиб, ўз ижодий камолотларига эришганини таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мунира Рамазонова ҳам ўз ижод намуналаридан ўқиб, тадбир қатнашчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Урчушу якунида Паркент тумани ахборот-кутубхона маркази раҳбари Муҳайё Ахмедова сўзга чиқиб, йиғилганларга ва меҳмонларга миннатдорчилик билдирди ҳамда уларга эсталик совғалар топширди.

Хўлоса қилиб айтганда, мазкур тадбир ёшларда китобга бўлган муҳаббатни янада ошириш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш ва мутолаа маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Шу каби урчушулар ёшларни илмга, ижодга ва эътилолга қорлашда катта ўрни тутайди.

Паркент тумани ҳокимлиги ахборот хизмати

(Боши 1-саҳифада)

Ижтимоий таққослаш босими ва

"Бой кўриниш" маданияти

Замонавий жамиятимизда инсонлар ўз эҳтиёжлари ёки даромадларига эмас, балки ўзгаларнинг турмуш тарзига қараб яшаш тенденцияси илдиз отиб кетди. Илм-фанда бу ҳолат "ижтимоий таққослаш босими" деб аталади. Бунда шахснинг қарорлари ички эҳтиёждан эмас, балки ташқи кўриниш ва атрофдагиларнинг кўтилмаларидан келиб чиқиб шаклланади. Тўй маросимларида бу ҳолат яққол сезилади: кимнинг тўйхонаси каттароқ, кимнинг дастурхони тўлароқ бўлиши бора-сидаги яширин пойга оилаларни ўз имкониятларини эмас, балки бошқаларнинг талабларини ўлчов қилиб олишга мажбур қилади. Бундай шароитда кредит молиявий восита эмас, балки ижтимоий нуфузни вақтинча сақлаб турувчи ниқоб вазифасини ўтайди.

Психологик нуқтаи назардан бу жараён "present bias" (ҳозирги лаҳзани афзал кўриш) феномени билан изоҳланади. Инсон мияси келажакдаги молиявий қийинчиликларни бугунги кундаги ҳиссий қувончдан кичикроқ, деб идрок этади. Тўйни режалаштириш вақтида юқори эмоционал босим ва "бир марта бўлади" деган аргумент миянинг мантиқий ҳисоб-китоб қилиш қисмини чеклаб қўяди. Натижада кредит олиш қарори иродасизлик эмас, балки нейробиологик қонуниятлар таъсиридаги ҳатоликка айланади, бироқ банк фойзалари бу биологик хусусиятларни инобатга олмайд.

Рақамлар ва ижтимоий реаллик

Соҳадаги статистик маълумотлар муаммо алоҳида оила доирасидан чиқиб, умумжамиyat миқёсига кўчганини кўрсатади. Марказий банк маълумотларига кўра, 2024 йил бошида 5,6 кредит шартномалари сони 5,7 миллионни ташкил этган бўлса, 2025 йилнинг 1 январига келиб бу кўрсаткич 7,5 миллионга етди. Бир йил ичида қайд этилган 1,9 миллионлик ўсish мамлакатда кредитнинг кундалик турмуш тарзига айлиниб бораётганидан далолат беради. "Юксалиш" ҳаракати томонидан ўтказилган



КРЕДИТГА ОЛИНГАН ОБРЎ

ЁХУД БЕНАФ ИҚТИСОДИЙ ТУТҚУНЛИККА ҚАЧОНГАЧА КЎЗ ЮАМИЗ?

сўровномалар натижасига кўра, респондентларнинг тўртдан бир қисми тўй харажатларини қоплаш учун кредит олганини ёки олишни режалаштираётганини тасдиқлаган. Иштирокчиларнинг олти беш фоиздан ортиги битта тўй маросими учун 50 миллиондан 100 миллион сўмгача, ҳатто ундан ҳам кўп маблағ сарфланишини баён этган. Бу эса тўй маросимининг оилалар учун жиддий молиявий босим манбаига айланганини аниқлатади.

Бир инсон пушаймони

Дилноза, 36 ёш: "Биз тўй қиламиз деганимизда аввалига ҳаммаси оддий туюлганди. Бола бир марта уйланади, эл қатори қилайлик, дедик. Холаларни қақриш керак бўлди, кўни-кўшинини айтиш керак бўлди, қариндош-уруғ норози бўлиб қолмасин, дедик. Одамлар орасида кам бўлиб қолмайлик, деб ўйладик. Шу-шу, охири кредит олишга мажбур бўлдим. Ўша пайтда бу қарор ёмон кўринмаган. Ойига бўлиб тўлаймиз, секин ёпамиз, деб ўйлаганмиз. Тўй ўтиб кетсин,

кейин бир амаллаб кетади, деганмиз. Ўша куни қарасам, ҳамма хурсанд. Меҳмонлар келган, дастурхон ёзилган, келин-куёв, яқинларимиз ҳам чиройли кийинган. Ташқаридан қараганда ҳаммаси жойида эди.

Лекин тўй тугагандан кейин ҳаммаси бошқача билди. Меҳмон бир кунда кетади экан, қарз эса қоларкан. Биз 70 миллион сўм кредит олдик. Ҳар ойда 2 миллион 750 минг сўмдан тўлаймиз. Уч йил, 36 ой. Ҳисобласам, охирида банкка қайтарадиган пулим 99 миллион сўмдан ошиб кетади. Яъни бир кеча тўй учун 29 миллион сўм фақат фоиз бўлиб чиқди. Ўша пулга боланинг бир неча йиллик таълимини, ёки уйнинг таъмирига кетадиган харажатни қоплаш мумкин эди. Ҳар ой тўлов келаверади. Уй рўзгор бор, болалар бор, кундалик харажат бор. Кредит эса шуларнинг устига яна битта юк бўлиб тушади. Баъзан эрим билан ўтириб, шунча одамни қақирмасак ҳам бўларди, шунча харажат қилмасак ҳам бўларди, деб қоламиз. Энг алам қиладигани, ўша пайтда ке-

радек кўринган нарсаларнинг кўпи аслида шарт эмас экан. Одам тўй пайти буни билмайди. Кўпчиликни ўйлайди, гап бўлмасинки ўйлайди, бошқаларникидан кам чиқмасинки ўйлайди. Кейин эса ўша бир кунлик обрўнинг пулини ойма-ой ўзи тўлайди. Баъзан ўйлаб қоламан, тўй чиройли ўтган бўлиши мумкин, лекин унинг оғирлиги кейин оиланиннг ичида қоларкан."

Экспертлар нуқтаи назари ва халқаро тажриба

Иқтисодчиларнинг фикрича, бугунги кунда қарздорликнинг ортishiна нафақат эҳтиёж, балки кредитнинг ҳаддан ташқари жозибador ва "осон" қилиб қўрсатилиши ҳам сабаб бўлмоқда. "Беш дақиқада кредит", "даромадсиз ҳам берилади" каби реклама шiorлари инсонни манипуляция қилиб, уни маросимнинг ҳақиқий таннархини англашдан қалғитади. Социологлар эса бу муаммонинг кенгайишида рақамли маданиятни, хусусан Instagram ва TikTok каби платформалардаги "ким ўзарга" тўйларнинг виртуал

стандарт сифатида қабул қилинаётганини айблайдилар. Таъкидлаш жоизки, Жанубий Корея ва Ҳиндистон каби давлатларда ҳам тўй харажатларини чеклаш бўйича тизимли ечимлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда ҳам 2019 йилда Олий Мажлис томонидан тўйларда меҳмонлар сонини ва дабдабозликни чеклаш бўйича қонуний тартиб белгиланган. Бироқ муаммо қонуннинг йўқлигида эмас, балки унинг жамият томонидан англаниши ва ижро этилишидаги оқсоқликларда қолмоқда.

Тизимли ечимлар ва стратегик қадамлар

Мазкур ижтимоий инқирозни фақатгина ахлоқий насаҳатлар билан ҳал этиб бўлмайди. Чунки муаммонинг негизида молиявий саводхонликнинг етишмаслиги ётади. Вазиятни соғломлаштириш учун кўйидаги стратегик қадамлар талаб этилади. Масалан, мактаб ўқув дастурларига кредит фойзини, қарз тузоғини ва тўлов жадвалини ҳисоблашнинг ўргатувчи тизимли молиявий таълимни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, 2019 йилги чекловларнинг ижросини таъминлаш мақсадида тўйхоналарнинг лицензиялаш тизимини аниқ жарима шаклланини ишлаб чиқиш лозим. Оилаларда тўй харажатларини оптималлаштириш ва меҳмонлар рўйхатини тартибга солиш имконини берувчи технологик платформалардан фойдаланишни оммалаштириш керак.

Унутмайлик, обрўни бир кунда сотиб оламан, деб бир неча ўн миллионлаб қарзни гарданга юклаб қўймоқдамиз, холос. Бошқа нарса эмас. Жамият сифатида "эл қатори қилиш"ни улуғлаш "эл қатори қарз тўлаш" машаққатини юзага келтиряпти. Тўйнинг моҳияти эса икки ёшнинг келажиги эмас, балки меҳмонларнинг баҳосига боғланиб қолгани энг катта фожиамиздир. Токи ҳар бир оила маросимининг ким учун ва нима мақсадда қилинаётганини ҳақиқатга саволга олган равишда жавоб топмас экан, бир кунлик дабдаба йиллар давомида тўланадиган иқтисодий тутқунликка айлиниб қолаверади.

Малика БАХРОМОВА, Урганч давлат педагогика институти талабаси.

ХАЛҚАРО ЕР КУНИ – САЁРАМИЗ ВА ТАБИАТНИ АСРАШГА МУҲИМ ЧАҚИРИҚДИР

Ер сайёраси қарийб 4,5 миллиард йиллик тарихга эга. Маълумотларга кўра, унинг 29 фоизи қуруқлик, қолган қисми эса денгиз ва океанлардан иборат. Атиги 17 фоиз ер майдонини инсоният учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг 88 фоизини етиштириб беради. Бу эса Ернинг, табиат ресурсларининг нақадар муҳим ва бебаҳо эканини кўрсатади.

Инсониятнинг ягона уйи бўлган Ер сайёрасини борлигича асраб-авайлаш, унинг мавжуд имкониятларидан табиатга зарар етказмаган ҳолда самарали фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Шу маънода 22 апрель эълон қилинган Халқаро Ер куни сифатида нишонланиши сайёрага ҳамхўрлик қилишда инсониятни бирлаштиришга, масъулият билан ёндашишга қақриадиган муҳим экологик сана эканлиги билан аҳамиятлидир.

Халқаро Ер куни илк бор 1970 йилда Америка Қўшма Штатларида ўтказилган. 2009 йилда эса БМТ Бош Ассамблеясининг 63-сессиясида элликдан ортиқ давлатлар томонидан маъқулланган. Бугунги кунда ушбу сана юзлаб давлатларда миллионлаб инсонларни бирлаштирадиган экологик ҳаракатга айланган. Ушбу кун инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаш қанчалик муҳим эканини яна бир бор эслатади.

Замонавий дунёда экологик таҳдид ва муаммолар тобора жиддий тус олаётгани барчамизга аён. Иқлим ўзгариши, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, ўрмонларнинг кесилиши, ҳайвонот ва ўсимлик турларининг йўқолиб бориши, биохилма-хилликнинг кайишиши каби масалалар бутун инсоният келажакига, Ер саёрамизга таҳдид солмоқда. Шу сабабли Халқаро Ер куни нафақат байрам, балки ҳар бир инсонни масъулиятли бўлишга қорловчи, экология, атроф-муҳит ва табиатни борлигича асрашга ундовчи муҳим кундир.

Бу сана муносабати билан турли мамлакатларда дархат экиш акциялари, ҳашарлар, маърифий тадбирлар ва экологик лойиҳалар ташкил этилади. Бундай ташаббуслар одамларни табиатга нисбатан эҳтиёткор бўлишга, уни асраш ва ҳимоя қилишга ундайди.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон табиатни муҳофаза қилишда ўз ҳиссасини қўлиши лозим. Бу-

нинг учун кундалик турмуши-мизда дуч келадиганимиз оддийгина чиқиндиларни тўғри ажратиш, белгиланган жойга ташлаш, пластик маҳсулотлардан камроқ фойдаланиш, сув ва электр энергиясини тежаш, умуман, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш кабиларга масъулият билан қарамогимиз лозим. Шунингдек, дархат экиш, атрофни тозалаш акцияларида иштирок этиш, экологик маданиятимизни ошириб бориш ва атрофимиздагиларни ҳам шунга ундаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бу йўналишда мамлакатимизда ҳам изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. "Ўзбекистон – 2030" стратегияси доирасида атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодийти ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2030 йилга бориб қайта тикланадиган энергия манбалари қувватини 25 ГВтга етказиш, йилга 64 миллиард кВт соат яшил энергия ишлаб чиқариш ва унинг улушини 50 фоиздан ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида миллионлаб кўчат ва дархатлар ерга қадалмоқда. Юртимизнинг яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш мақсади йўлида яшил ҳудудларни кенгайтириш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда.

Барқарор яшил келажак, сайёрамизнинг ўз ҳолича сақланиши ҳар бир инсон учун, ҳаёт давомидаги учун долзарб аҳамиятга эга. Бунинг учун эса ҳар биримиз масъулимиз. Ерни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатга зарар етказмаслик, келажак авлодлар учун яшил ва ҳавфсиз муҳит яратиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Халқаро Ер куни эса шу ҳаётий ҳақиқатни англаш ва амалий қадамлар қўйиш учун муҳим қақир, элтадир.

Муҳтарам КОМИЛОВА, ЎЗА муҳбири.

"Орол бу фақат денгиз эмас, бу одамларнинг тақдири ҳамдир", деган эди у бир суҳбатда



УНИНГ НОМИНИ ЭЛГА ТАНИТГАН ЛАВОЗИМ ЭМАС, ФИДОЙИЛИК ЭДИ

Хаётда шундай инсонлар бўладики, улар амалга оширган хайрли ишларни одамлар кўп йиллар хотирлаб юради. Ана шундай инсонлардан бири Рим Абдулович Гиниятуллин. Минг афсуски, бугун у орамизда йўқ. Давлат ва жамоат арбоби, меҳнат фахрийси Рим Абдулович Гиниятуллин шу йилнинг 19 апрель куни 83 ёшида вафот этди. Рим Абдулович Гиниятуллин 1943 йил 18 сентябрда Зомин туманидаги Даштобод шаҳарчаси яқинидаги Қоратепа қишлоғида, муаллим оиласида дунёга келган. Татар миллатига мансуб бу инсон Ўзбекистон тарихининг муҳим саҳифаларида ўз изини қолдирди: минтақа сув хўжалигини ривожлантиришда, Орол фожиаси оқибатларини юмшатишда ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда.

Болалиги Иккинчи жаҳон урушидан кейинги оғир йилларга тўғри келган Рим Гиниятуллин ёшлигидан меҳнатда товланди. 1957 йилда, атиги ўн тўрт ёшида, ўзбекистон Қурилиш вазирлигига ишчи сифатида ишга кириб уста, муҳандис, бош муҳандис даражасига етди. Меҳнат билан бир вақтда ўқишни ҳам тўхтатмаган – 1968 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини муваффақиятли тамомлаб, гидротехника муҳандиси мутахассислигини эгаллаган.

Диплом олган йиллик у Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига ишга қабул қилинди. Тиришқоқлиги, хушмуомалалиги, ташкилотчилиги боис тез орада бошқарма бошлиғи ўринбосари, бош бошқарма бошлиғи каби юксак лавозимларда лойиқ деб топилди.

1981 йилдан бошлаб Гиниятуллин раҳбарлик даражасида ишлаб боради: дастлаб Мелиорация ва сув хўжалиги вазири ўринбосари, сўнгра Давлат режаланштириш бошқармаси ва Давлат агросаноат кўмитаси раиси ўринбосари бўлиб ишлади. 1989 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазири этиб

тайинланди. Ўша йиллар осон эмас эди. Совет иттифоқи қулаётган, минтақада сув муаммоси тобора кескинлашаётган эди. 1996-1997 йилларда Рим Абдулович Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари лавозимида фаолият юритди. Бу лавозим унинг сиёсий карьерасидаги энг юқори нуқта бўлди. Аммо у ҳар доим лавозим учун эмас, иш учун яшади.

Ўз умрининг энг муҳим қисмини у Орол денгизи муаммосига бағишлади. 1997 йилдан 2007 йилгача у Оролни қутқариш халқаро жамғармасида фаолият кўрсатди. Аввал ижроия кўмитаси раиси, сўнгра Оролни қутқариш халқаро жамғармаси GEF агентлиги бошлиғи сифатида.

Айнан у биринчилардан бўлиб "Амударё" ва "Сирдарё" хавзаларида кичик сув омборлари яратиш, Орол тубининг қуриган қисмида қудуқ бурғулаш ва шўр ҳамда қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар экиш концепциясини илгари сурди. Бу ишлар аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга, экологик мувозанатни тиклашга ва минтақада балиқчилик, деҳқончилик учун шароит яратишга хизмат қилди.

"Орол бу фақат денгиз эмас, бу одам-

ларнинг тақдири ҳамдир", деган эди у бир суҳбатда.

Нафақага чиққанидан кейин ҳам Рим Абдулович дам олишни билмади. 1996 йилдан у Аҳмад Заки Валидий номи Бошқирд жамоат-маданий маркази нурунийлар кенгаши раиси сифатида фаолият юритди. Шунингдек, Тошкент шаҳри татар ва бошқирд миллий маданий марказлари оқсоқоллар кенгаши раиси сифатида марказнинг барча тadbирларида фаол иштирок этиб, татар ва бошқирд маданиятини, тилини, анъана ва урф-одатларини юксалтириш йўлида тиним билмади.

Умрининг сўнгги йилларида у Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнларида, хусусан, кўп миллатли жамиятимизда тинчлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, кексалар ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда фаол иштирок этди.

Рим Гиниятуллиннинг хизматлари юксак давлат мукофотлари билан эътироф этилган. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган



ёшлар мураббийси" фахрий унвонлари, "Меҳнат шухрати" ва "Дўстлик" орденлари билан мукофотланди. Халқаро миқёсда ҳам унинг хизматлари тан олинган: Татаристон Республикасининг "Дуслык" ордени, Бошқирдистоннинг "Салават Юлаев" ордени ва "Татаристон Республикаси олдидаги хизматлари учун" медали. Буларнинг ҳар бири сермазмун умрнинг махсули.

Рим Гиниятуллин ўн тўрт ёшида оддий ишчи бўлиб ишлаган, олий маълумот олиш учун кечалари ўқиган, юқори давлат органлари ва халқаро ташкилотларда ўз киндик қони томган юртга хизмат қилган инсон. Унинг номи элга танитган лавозим эмас – ФИДОЙИЛИК. Бундай инсонлар жуда кам тўғилади. Аммо унинг амалга оширган ишларини халқ асло унутмайди.

Сув хўжалиги соҳасидан етишиб чиққан тажрибали раҳбар, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Рим Гиниятуллиннинг хотираси қалбларимизда ҳамisha барҳаёт.

**Сув хўжалиги
вазирлиги жамоаси**

ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ

Ўқувчилар тарбиясида МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ КАТТА

Юртимиз мактабларида ўқувчилар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Кейинги йилларда 30 дан ортиқ боланинг бир синфда ўқиши оддий ҳол бўлиб қолди. Бунча ўқувчининг олти соат дарс жараёнида тартиб интизомини назорат қилиш эса жуда мураккаб иш. Яхшиям мактабларимизда синф раҳбарларига тўланадиган иш ҳақлари оширилди. Тарбия жараёнига фақатгина ўқитувчилар эмас, балки ота-оналар, маҳалла фаолларининг масъулияти эканлиги қонун билан белгилаб қўйилди.



Юқори синф ўқувчиси дарсга кечикиб келишни одат қилди, бунинг устига у хоҳлаган пайтида дасрни ташлаб кўчага чиқиб кетади. Ўзини ҳаддан ташқари эркин сезадиган бу ўқувчи дарс давомида ҳам синфдошларига гап отиб уларнинг билим олишларига ҳалақит қилади. Бу ўқувчини дарсга ҳалақит берганлиги учун ўқитувчи мактаб раҳбарининг хузурига олиб кирди. Раҳбар ўқитувчига дарсга бориш учун рухсат бериб ўқувчининг онаси билан суҳбатлашмоқчи бўлди.

– Ўғлингизнинг тарбияси анча бўшашиб кетди, ҳатто ўқитувчининг дарс ўтишига ҳам ҳалақит бераёпти. Сиз шу ўғлингизнинг тарбияси масаласида мактабга бир келиб кетсангиз.

– Ўғлимнинг тарбияси яхши, – баланд овозда онанинг жавоби эшитилди, – ўқитувчиларингизнинг ўзларини тарбиясини ўйлаб кўринг! Умуман мактабнингизда интизом бўшашиб кетган.

– Ўқитувчиларимизнинг интизомини назорат қилувчи масъуллар бор, – деб тушунтирмоқчи бўлди раҳбар, – сиз аввал мактабга келиб ўғлингизга дарс бераётган ўқитувчилар билан суҳбатлашинг, дарсга кириб унинг қандай ўқитганини кўринг, тартибсизлик қилган ҳолатларини камерадаги ёзувдан кўриб чиқинг!

– Мен мактабга бориб вақтимни беҳудага сарфламайман, бу ёқда савдом қолиб кетади, – яна бир парда овозини кўтарди она.

– Ундай бўлса биздан хафа бўлмайсиз, – майнлик билан тушунтирди раҳбар, – биз сизнинг ўғлингиз тарбиясига нисбатан эътиборсиз бўлаётганингиз, мактабга келиб унинг ўқишлари билан шугулланишга вақт топаолмаётганингиз ҳақида яшаётган маҳаллангизга мурожаат қилишга мажбур бўламиз. Чунки юртимизда қабул қилинган қонунларда бола тарбияси учун ота-онанинг масъулияти қатъий белгилаб қўйилган.

Раҳбарнинг бу сўзларидан сўнгра она бирдан ҳовридан тушди ва ялингансимон оҳангда гапира бошлади: вай оажон нима деяпсиз, шу гапларни ҳам маҳаллага чиқариб юрасизми, ҳозир мактабга етиб бораман. Ўзим ўғлимнинг таъзини бериб қўяман, ўзим тартибга соламан.


Яқинда телевиденида Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли ўқитувчи Муҳаббат Шаропова ота-оналарнинг ўқитувчиларга муносабати тўғрисида гапириб, халқимизда азалдан айтиб келинадиган бир гапни эслати. Илгари ўз фарзандини мактабга олиб борган ота-она ўқитувчига болани топширар экан "энди бунинг эти сизники, суяги бизники", деган гапларни эслати. Албатта, ҳозирги замонда мактабларда боланинг этини кеч қим оздирмайди, бунга эҳтиж ҳам йўқ. Бас шундай экан маҳаллалар, жамоатчилик ҳар бир боланинг тарбиясига масъулият билан қарашлари лозим. Ҳамма ҳам ҳозирча "Бир болага етти маҳалла ота-она" деган ҳикматли иборанинг мазмунини тўлиқ англаб етгани йўқ.

**Ҳ.НУРМАНОВА,
М.ИШМАМАТОВА,
Ғузур туманидаги
У.Уватов номи 1-мактаб ўқитувчилари.**

25 апрель – Бутунжаҳон безгакка қарши кураш куни



Зокиржон АБИДОВ,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг Наманган вилояти бошқармаси бўлим ва лаборатория мудири, тиббиёт фанлари номзоди.



Давоси бор, аммо...

ҳолатлари кузатишда. 2022 йилда дунёнинг деярли ярим аҳолиси безгак хавфи остида эканлиги маълум бўлди. ЖССТ статистик маълумотларига кўра, ўша йилда дунёнинг 85 мамлакатиде 249 миллион аҳоли безгак билан касалланди ва улардан 608 минг нафари вафот этди.

Мамлакатимизда унинг муҳофазасига қаратилган тadbирлар мажмуаси соғлиқни сақлаш тизимининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Республикада 2011 йилдан бери маҳаллий аҳоли ўртасида бу касаллик қайд этилмаган. 2018 йилнинг декабрида маҳаллий аҳоли ўртасида безгак касаллиги тугатилганлиги тўғрисида ЖССТ томонидан тасдиқланган сертификатга эга бўлган. Лекин безгак чивинлари кўпайиши учун қулай табиий-иқлим шароитлари, аҳолининг жадал миграцияси ҳудудимизда инфекция юқиши ва тарқалиш хавфини кучайтиради. Республикада бу борада эпидемиологик назорат режа асосида амалга оширилади. Вилогитимизда ҳам Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломат-

лиги кўмитасининг вилоят бошқармаси даволаш профилактика муассасалари билан ҳамкорликда безгак тарқалган жойлардан келганларни аниқлаш, шунингдек, профилактика ва эпидемияга қарши чора-тadbирлар кўрилади. Шу мақсадда барча даволаш-профилактика муассасалари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Вилогитда ўта хавфли юқумли касалликлар, жумладан, безгакнинг қўшни давлатлардан кириб келишининг олдини олиш мақсадида урта санитария назорат пунктлари ташкил этилган. Безгак чивинлари бўйича 13 ярим мингдан зиёд сув хавзаларида энтомологик назорат ўрнатилган.

Безгак ўтқир юқумли протозой касаллик бўлиб, даврий равишда тана ҳарорати кўтарилиши, талоқ ва жигар катталашини ҳамда камқонлик билан характерланади. Касаллик анофелес чивини урғочисининг чақиши натижасида, зарарланган донор қонини куйганда, тўла зарарсизлантирилмаган тиббий асбоблар, безгак билан оғриган

ҳомилдор онадан туғиш жараёнида йўлдош орқали юқади. Безгак чивинлари асосан, соҳили ботқоқлашган сув хавзалари, шолопоялар, ахлат чиқиндилари тўпланиб қолган, турғун сувли ёки оқими секин ариқлар, сув қувурларининг ишдан чиқиши, ичимлик сувининг беҳуда оқиб ётиши натижасида вақтинча вужудга келган қўлмақларда кўпаяди. Касалликнинг яширин даври етти кундан уч йил ва ундан узокроққа чўзилиши мумкин. Касаллик одатда қалтирашдан бошланади. Лоҳаслик, дармонсизлик, жунжикиш, бош ва бел оғриғи, кўнгил айниши, иштаха ёмонлашиши ҳоллари қайд қилинади. Типик безгак хуружи қаттиқ қалтироқ тутиши билан бошланади, 15 дақиқадан 2-3 соатгача давом этади. Бу вақтда касаллар танаси исимаёйди, кўрпа ичиде ҳам қалтираёйди. Тана ҳарорати тез кўтарилади, 40 ОС га етади ва ундан ҳам ошади. Иссиқлик даври 2-6 соат давом этади ва терлаш даври билан алмашинади. Шундай белгилар намодён бўлганда албатта, тиббий ёрдамга мурожаат қилиш керак. Тўғри ташхис қўйиш учун қонни безгакка текшириб кўриш шарт. Қонда безгак паразитлари аниқланган ҳолда даволаш муолажаларини тезда бошлаш керак. Безгакни даволаш учун самарали дори-дармон воситалари мавжуд.

Безгак чивинларининг кўпайишига йўл қўймаслик мақсадида шולי майдонлари аҳоли яшаш жойларидан 2-3 км. узокликда жойлаштирилиши лозим. Ариқ, зовурларни ўз вақтида тозалаб, ободонлаштириш ишларини мунтазам олиб бориш керак. Чивинлардан шахсий ҳимояланар мақсадида ёз ойлариде пашшахоналардан фойдаланиш тавсия этилади.

Эълонлар

08-02/10127 рақами билан 1993 йил 23 январда Валута Ольга Дмитриевна номига берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

04-01/17256 рақами билан 1993 йил 29 мартда Махмудова Азиза Мухамеджановна номига берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

08-02/5193 рақами билан 1992 йил 24 декабрда Ибрагимова Гулнара Срождидиновна номига берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
комплекс таркибидеги ҳамда
бoshqqa daxldor vazirlik
va idoralari.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV,
Shavkat Hamroyev, NARZULLO OBLOMURODOV,
Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV,
Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan
2009 yil 13 fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.

Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi,
qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.

Buyurtma G-417. 1140 nusxada chop etildi.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dizayner: Markk YUSUPOV.

Tahririyat manzili:

Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.

Reklama va e'lonlar – (998 90) 317-19-16.

E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.

Gazeta "Sharh" nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Bosmaxona manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7023



Bosishga topshirish vaqti: 21.00
Bosishga topshirildi: 19.40